

1991 йил 1 январдан чика бошлаган

<u> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ</u>

27 май

Сотувда эркин нархда Nº 101 (2398)



Хушхабар

БЎЗАТОВ ТИББИЙ МАРКАЗИ

Бўзатов туманида тиббий тез ёрдам маркази очилди. Туман бирлашган касалхонаси қошида фойдаланишга топширилган бу шифо маскани замонавий даволаш, ташхис қўйиш асбоб-ускуналари, зарур автоулов билан таъмин-Ланди. Малакали шифокорлар беморларга хизмат кила

Шундай килиб, согликни саклаш тизимини ислох килиш дастурига мувофик, Қорақалпоғистоннинг барча туман ва шахарларида тез тиббий ёрдам марказлари фаолият кўрсата бошлади

Хамкорлик

ХАЙРИЯ ГРАНТИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Эндокринология институти олимларининг япониялик тадкикотчилар билан ўзаро илмий алоқалари тобора мустахкамланиб бормокда. Илмий муассасанинг Япониянинг Мибо шахридаги Докио университети билан ҳамкорлиги ҳам яхши сама-

Институт директори С.Исмоилов Докио университетида малака алмашиш ва маърузалар ўкиш максадида Японияда илмий сафарда бўлди. Истеъдодли олим Р.Бўрихонов эса шу олий ўкув юрти тадкикотчилари билан хамкорликда «Қалқонсимон безнинг гиперпластик жараёнлари» мавзуида кузатишлар олиб борди.

Ўзбек ва япон эндокринолог олимларининг бундай якин алоқалари туфайли эндокринология институти энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жихозланди. Бу илмий муассасада нейроэндокринология булимини қайта ташкил этишда Япония томони катта химмат курсатди. Янги бўлим фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида Япония хукумати 60 минг доллар микдорида хайрия гранти ажратди.

Харакат хавфсизлиги

"ДИККАТ, БОЛАЛАР!"

Тошкент вилояти ички ишлар бошкармаси давлат автомобиль назорати бўлими ва таълим бошкармаси болалар ёзги таътили бошланганлиги муносабати билан "Дикқат, болалар!" ўн кунлигини эълон қилди. Серқатнов кўчаларда, чоррахаларда, мактаб ва болалар муассасалари транспорт харакатини назорат килиш кучайтирилмокда. Бунда корхона ва жамоат ташкилотлари, махаллалар вакиллари хам фаол иштирок этмокда. Йултранспорт ходисаларини кескин камайтириш борасида Янгийўл, Чирчик, Олмалик шахарлари, Зангиота, Куйичирчик, Чиноз туманларида ибратли ишлар амалга оширилмокда.

Тадбир давомида йўл харакати қоидаларини ўкитиш йўлга қўйилади

Пилла-2000



«КУМУШ ТОЛА» МЎЛ БЎЛДИ

Пиллакорнинг машаққатли кунлари ортда қолди. Пе шона тери эвазига уюлган хирмон тарозига қуйилди. Бу мавсумда Асака туманидаги «Янги ҳаёт» ширкат хўжалиги пиллакорлари 300 кути пилла курти парвариш килишди. Хосил чўги кутилгандан зиёд бўлди.

МЕХРИБОНЛИК УЙИГА — МУСИКА АСБОБЛАРИ

Болаларни химоя килиш халкаро куни арафасида Чирчикдаги 14-мехрибонлик уйи тарбияланувчилари карнайсурнайлар садоси остида уйгонишди. «Чирчиккишлокмаш» акциядорлик жамияти дошкозонда ош дамлаб, болалар учун дастурхон ёзди. Тарбияланувчилар раксга тушиб, тўпланганларни кувонтиришди. Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти қумитаси мехрибонлик уйига мусиқа асбоблари ва гилам совга килди.

COENOM OBNOG ÜUNU

ФЕСТИВАЛ ЯКУНЛАНДИ

Фаргонада "Болалар санъат фестивали"нинг вилоят боскичи якунланди. "Соғлом авлод" йилига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда танловнинг шахар ва туман боскичларида голибликни қўлга киритган энг иктидорли ёшлар миллий хунармандлик, тасвирий санъат, заргарлик, каштачилик, косиблик, чолғу асбоблари, фольклор. миллий эстрада ва хор санъати бўйича ўз махоратини намойиш этди. Голиблар фестивалнинг республика боскичида қатнашиш учун йўлланма олди.

> «Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси тўгрисидаги АХБОРОТ

26 май куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси давом этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди. Депутатлар Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кумитаси раиси Н.Жўраевнинг "Жисмоний тарбия ва спорт тўгрисида"ги Қонун лойихаси хакидаги маърузасини тинглади. Қонун лойихаси мухокамасида Урганчдаги қурилиш-касб-хунар коллежи директори И.Бойжонов, Ургут тумани хокими Х.Нуруллаев, "Наманганқурилиш" трести бошқарувчиси Ш.Матмусаев, Бувайда тумани хокими Б.Тўракулов Давлат жисмоний тарбия ва спорт кумитаси раиси Б. Махситов иштирок этди.

Мазкур масала юзасидан **Ўзбекистон** Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз рахбари "Жисмоний тарбия ва спорт тўгрисида"ги Қонунни амалга ошириш баркамол ёш авлодни тарбиялаш ва халқаро микёсдаги спортчиларни тайёрлашда мухим ўрин тутишини қайд этди. Президент спорт хаётимизнинг ажралмас қисмига айланиши, давлат хокимияти органлари, депутатлар, кенг жамоатчилик, энг аввало, махаллаларнинг доимий эътиборида бўлиши лозимлигини таъкидлади. Ислом Каримов Ўзбекистон спортчиларининг халкаро мусобакалар, хусусан, Сиднейдаги ёзги Олимпиада ўйинларида муваффакиятли иштирок этиши мустақил Узбекистоннинг жахондаги обрўси ва нуфузини янада оширишга хизмат қилишини айтди. Шу муносабат билан Президент мамлакатимиз футболини ривожлантириш, "Пахтакор" жамоаси шухратини тиклаш зарурлигига эътиборни

Олий Мажлис янги тахрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўгрисида"ги Конунни қабул қилди.

"Ўзбекистон Республикасининг ташки иктисодий фаолияти тўгрисида"ги Қонун лойихасини Иктисодий ислохотлар ва тадбиркорлик масалалари кумитаси раиси М.Умаралиев депутатлар эътиборига хавола

26 май куни ўз ишини да-

вом эттирган Олий Мажлис

II сессияси эрталабки анжу-

манни «Жисмоний тарбия ва

спорт тўгрисида»ги Қонун

қилди. Қонун лойихаси мухокамасида Кўргонтепа туманидаги "Оқ сув" фермер хўжалиги рахбари А.Ахмедов, "Ўзтемирйўлмаштаъмир" ишлаб чикариш бирлашмаси бош директори А.Раматов, "Совпластитал" Ўзбекистон-Италия қушма корхонаси бош директори А.Мелкумов иштирок этди.

Ушбу масала юзасидан Президент Ислом Каримов сўзга чикди.

Давлатимиз рахбари мамлакат валюта захираларини тулдиришнинг асосий манбаи хисобланган товарлар экспортини оширишга халақит ерувчи барча тусикларни бартараф этиш зарурлигини таъкидлади. Экспортга махсулот ишлаб чикарувчи тармокларни хар томонлама ривожлантириш, бундай товарлар турларини кўпайтириш, тушган валютани замонавий технологик ускуналар сотиб олишга ишлатиш зарур. Иктисодиётимиз келажаги, энг аввало, экспорт махсулоти ишлаб чикариш ва уни жахон бозорларида сотишни қандай ташкил этишимизга боглик.

Парламент янги тахрирдаги қонун лойихасини тасдиқ-

Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Ахадов Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўгрисида"ги Қонун лойихасини сессия мухокамасига такдим этди. Конун лойихаси мухокамасида Пахтачи тумани хокими Э.Умматов, "Турон" акциядорлик тижорат бирлаштирув банки бошқаруви раиси А.Эрдонаев, Тахтакўпир туманидаги "Тахтакўпир" кооперативи раиси А.Одилов, "Ўзнефтгазқурилиш" акциядорлик компанияси бош директори Б.Хафизов, "Янгийўл ёг-мой" акциядорлик бирлашмаси раиси М.Худоёров иштирок этди.

Депутатлар "Аудиторлик фаолияти тўгрисида"ги Қонунни янги тахрирда қабул

Сессияда "Фукаролар мухофазаси тўгрисида"ги Қонун оиихаси курио чикил Ушбу масала юзасидан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кумитаси раиси И.Собировнинг маърузаси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси Бухоро аэропорти директори Т.Бахронов, Томди тумани хокими А. Назаров чикишларидан сўнг қонун қабул қилинди.

Депутатлар, Қонунчилик ва суд-хукук масалалари кумитаси раиси Н.Исмоиловнинг маърузасидан сўнг, айрим конунчилик хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар ки-

Сессия котибияти рахбари З.Охунов иккинчи чакирик Олий Мажлис иккинчи сессиясига килинган мурожаатлар тўгрисида ахборот берди.

Шундан сўнг, депутатлар Ўзбекистон Республикасининг БМТ Халкаро институ-

тининг халқаро молиявий ижара (лизинг) тўгрисидаги хусусий хукукни бирхиллаштириш бўйича Конвенциясига кушилиши хакида қарор қабул қилди. Қозоғистон Республикаси, Киргизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва томонларнинг баркарорлиги хамда хавфсизлигига бошка тахдидларга карши биргаликда курашиш тўгрисидаги Шартномаларни, нефт ва газни транспортировка килиш давлатлараро тизимларини тузиш учун Институционал асос тўгрисидаги рамкали битимни ратификация қилди. Узбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгаши Қарорларини тасдиклади. Парламент А. Хабибуллаевни пенсияга чикиши муносабати билан Давлат табиатни мухофаза қилиш қумитаси раислигидан озод қилиш тўгрисида карор кабул килди Узбекистон Республикасининг Олий сули ва Олий хўжалик суди таркибига

Шундай қилиб, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси якунланди.

ўзгартишлар киритди. Олий

хўжалик суди раиси этиб

М.Абдусаломов қайта сай-

"Fanna-2000"

МАСЪУЛИЯТЛИ МАВСУМ БЎСАГАСИДА

Республикамиз далаларида кизгин мехнат палласи бошлан-япти. Дехконнинг пешона тери эвазига етиштирилган галла уюшкоклик билан йигиштириб олиниб, хирмонга жамланяпти. Айни пайтда мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш учун жойларда

тайёргарлик ишлари нихоясига етказилмокда.

– Далаларда етиштирилган ғаллани ўз вақтида ва сифатли йигиштириб олиш хамда омборларга етказиб бериш асосий вазифамиз, – деди Самарканд вилоят "Агромашсервис" акциядорлик жамиятлари бирлашмаси раиси А.Примов. – Куни кеча Самаркандда бўлиб ўтган ғалла ўрим-йигими мавсумига мавжуд техника воситаларини тайёрлаш мавзуига багишланган республика кўргазмали семинарида ана шу масъулиятли вазифани кўнгилдагидек адо этиш зарурлиги алохида таъкидланди. Анжуманга барча вилоятлардан мутахассислар, соха рахбарлари таш-риф буюрди. Улар билан мавсум олдидан ўзаро фикр алма-

Вилоятимиздаги машина-трактор паркларида замонавий техника воситалари жамланган. Улар ёрдамида шудгорлашдан тортиб, хосилни йигиб-териб олишгача бўлган юмушлар бажарил-Утган йили бирлашма тизимидаги машина-трактор паркларида ғалла ўриш комбайнлари сифатли таъмирдан чикарилганлиги, ёрдамчи техника воситаларидан унумли фойдаланил-ганлиги туфайли ўрим-йигим мавсуми 20 иш кунида якунланган эди.

Кишлок хужалигига алокадор турли жамоалар билан тузилган шартномаларни ўз вактида бажаришда МТПлар ихтиёридаги техника воситалари, хориждан келтирилган трактор ва комбайнлар айникса самара бермокда. Хозир паркларимизда 165 та "Магнум-8940" русумли хайдов трактори, 111 та "Кейс" комбайни

Айни вактда барча корхоналаримизда мавжуд техника воситалари сифатли таъмирдан чикариляпти. МТПларда кучма устахоналар ва малакали мутахассислардан иборат бригадалар ташкил этилган. Улар ишни икки сменада олиб бормокда. Бу борада "Узкейссервис" кушма корхонасининг мутахассислари бизга якиндан ёрдам бермокда. Шуни алохида таъкидлаш керакки, бу йилги мавсумда техни-

ка воситаларининг бенуксон ишлашига эришиш максадида рес-публика таъминот базаси ва "Узмашхолдинг" компаниясига караш-ли заводлар билан умумий киймати 724 миллион сумлик шартнома имзоланди ва хозирги кунгача 40 миллион сумлик ва чет эл техникаси учун 70 миллион сўмлик эхтиёт кисм келтирилди

Уйгун РУЗИЕВ, ЎзА мухбири.

Олий тавлим ва ишлаб чикариш хамкорлиги

БАКАЛАВРЛАР

лохотларни янада чукурлаштириш йўлида кенг кўламли ишлар изчил амалга оширилмокда. Пахта тозалаш тармоги, тукимачилик ва енгил саноатни ривожлантириш, шу тарика ўзимизда етиштирилган пахта хомашёсидан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп махсулотлар тайёр лашни жадаллаштириш хам бу борадаги устувор йўналишлардан бири хисобланади. Ана шу масъулиятли варни етук мутахассисларсиз руёбга чикариб булмай ди, албатта. Бунга, айтиш мумкинки, Тошкент тўкимачилик ва енгил саноат институти профессор-ўкитувчилари жамоаси хам муносиб хисса қўшмокда.

Маълумки, мазкур инсти-тут Ўрта Осиёда пахта тозапаш, тўкимачилик, матбаа ва енгил саноат корхоналари учун малакали мутахассислар берувчи йирик олий ўкув юртларидан биридир. Президент фармонлари, хукумат карорлари, «Таълим тугрисида»ги Конун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур талабларини амалиётга тур талаоларини амалиетта жорий этиш туфайли бу йил уни 278 нафар бакалавр битираяпти. Шу муносабат билан куни кеча битирувчиларни иш жойларига такдимот маросими бўлиб ўтди. «Узенгилсаноат», «Ўзпахтасаноат-сотиш», «Ўзбек ипаги» уюш-малари «Тоштўкимачи» очик малари, «Тоштўкимачи» очик турдаги акциядорлик жамияти вакиллари, кичик, хусусий ва кушма корхоналарнин рахбарлари иштирок этган бу такдимот маросимини институт ректори Х.Алимова бош-

- Институтимиз рахбарияти, мутахассислик кафедралари профессор-ўкитувчиларининг олдиндан олиб борган ишлари натижасида, деди у, — жами 278 нафар битирувчи бакалаврдан 204 таси давлат корхоналарига, колганлари эса шартнома асосида ва сўров хати бўйикорхоналарга ишга боришлари аник булди.

Шуни таъкидлаш жоизки, 1996 йилда Хоразм вилояти хокимлиги ва институт рахбарияти ўртасида икки томонлама шартнома имзоланганди. Унга кўра, бу ерда қурилаётган кўплаб кичик, хусусий ва кушма корхоналар учун олий укув юрти махаллий ёшлардан етук мутахассислар тайёрлаб беришни ўз зиммасига олган эди. Шу боис такдимот маросимида

бухгалтерия ва аудит сохасини битирган хоразмлик ёшлар айнан ўз вилоятларига йўлланма олдилар. Пахтани дастлабки ишлаш технологияси, тўкимачилик ва маиший хизмат кўрсатиш машина-механизмлари мутахассислари вилоятлардаги пахта тозалаш ва тўкимачилик корхоналарига, ипак технологияси мутахассислари «Ўзбек ипаги» уюшмаси тасарруфидаги корхоналарга, пахта йигириш, тўкувчилик, трикотаж ва тўкимачилик материалшунослиги мутахассислари республикамизнинг турли минтакаларида жойлашган тукимачилик ва трикотаж корхоналарига, енгил саноат махсулотлари техно-логияси бакалаврлари тикувчилик фабрикалари, касбхунар коллежлари ва лицейларига, матбаа ишлаб чикариш технологияси битирувчилари эса «Шарк» концер-

Такдимот маросимида бакалаврлар сўзга чиқиб, ўқиш ва чукур билим олишлари етук мутахассислар булиб етишишларига барча шартшароитларни яратиб бергани учун хукуматимизга, институт рахбариятига ва устозларига миннатдорчилик билдирдилар. Улар ўз билим ва салохиятларини Ватанимиз тараққиёти, ўлкамизнинг гуллаб-яшнаши йулида сарфлаяжакларига ваъда бердилар.

ни, босмахоналар ва кушма

корхоналарга таксимланди

Қ. АБУЛНИЁЗОВ, Тошкент тўкимачилик ва енгил саноат институти маркетинг хизмати ва ртномалар булимининг

Сессия залидан репортаж

МУНОЗАРА авжга чиққанда

лойихаси (янги тахрири)ни кўриб чикишдан бошлади Депутатлар, бир кун олдин мухокама рухига тушиб олганлари боис бўлса керак, сессия мажлиси тезда авж нуктасига кўтарилди. Маърузачи чикишидан кейин дархол қарор қабул қилинмади, халқ вакиллари жойларидан туриб ўз таклиф ва мулохазаларини очик-ойдин айтдилар. Шуниси эътиборлики. уларнинг аксарияти анжуман ахлига маъкул бўлди. Менинг назаримда, ши лозимлигини таклиф кил-

лойихадаги «ваколатлари» деган сўзда максад тўла ифода этилмаган, — деди 3-Акмал Икромов сайлов округи депутати Тохир Миродилов. — Агар шу холда кабул килинса, конун когозда қолиб кетади. Таклифим: «ваколатлари»нинг ёнига «мажбуриятлари» деган сўз хам кўшиб кўйилса.

Аксарият депутатлар мазкур қонуннинг янги тахрири Соглом авлод йилида мухокама қилинаётганлигини алохида коникиш билан таъкидладилар. 203-Ал-Хоразмий сайлов округи депутати Ибодулла Бойжонов ушбу лойиха бўйича қуйидаги фикрларини баён этди:

 Спортни ривожлантириш нафакат жорий йилда.

балки келажакда ҳам давлат эътиборида булиши керак. Лойиханинг 27-моддаси хам тегишли мансабдор шахсларни, соха мутасаддиларини масъулият билан ишлашга даъват этади. Зотан, конун ижроси билан кучлидир. Мен бу хакдаги фикрларимни сессия минбарида баён этдим. Спорт иншоотларининг дахлсиз булиши конунда акс эти-

Спорт ва гурур. Бу икки тушунча сессия залида ўзаро боглик холда, хамоханг янгради. Узбекистон довругини дунё буйлаб таратишда томирида Алпомиш кони гупураётган азамат йигитларимиздан умидларимиз катта эканлиги алохида ургу билан таъкидланди. Депутатлар олдида чиқиш қилган Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кумитаси раиси Б.Махситов берган маълумотда хам шу йил ёзда бўладиган Сидней олимпиадасига хозиргача 55 нафар спортчимиз тайёргарлик куришаётганлиги айтилганида зал-

дагилар юз-кўзларида ифти-

хор туйгулари намоён бўлди.

Ха, қувонмай бўладими!? Мустабидлик даврида жахон микёсидаги мусобакаларга Ўзбекистондан бориш насиб этадиган спортчилар бармоқ бимаънода «Сессия сизга нима берди?» деган саволимизга 132-Сирдарё сайлов округи депутати Иўлдош Жўраев куйидаги жавобни берди:



лан санарли бўларди. Энди эса эл-юрт саломатлигини мустахкамлаш, мислсиз рекордлар билан ўзбек номини жахонга таратишга кафолат берувчи ўз қонунимиз бор.

Сессия хар бир депутат фаолиятини аник ўзанга солди, десак ўринли бўлади. Шу

- Сессияда қабул қилинган қонунлар ва бошқа хужжатларнинг мохияти хамда кўлами хозирги даврда олға сурилаётган марралар ва максадларни амалга ошириш йўлида хукукий асослар жадаллик билан яратилаётганидан далолат беради. Бу сесда хукукий ислохот тамойилларини яратганлиги билан тарихга киради, десам хато бўлмайди. Чунки, унда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўгрисида», «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўгрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолияти тўгрисида», «Аудиторлик фаолияти тўгрисида» қонунлари тадбиркорликнинг турли масалаларини тартибга солишга, ишбилармонларга эркинлик бериш, уларнинг манфаатларига хизмат қиладиган механизм яратишга ва хукукларини химоя килишга қаратилгандир. Сессияда Президентимизнинг сўзлаган нутклари ва фикрларида кўтарилган масалалар, бир томондан; қанчалик катта довонлардан ошаётганлигимизни кўрсатса, иккинчи томондан, олдимизда хали қанчалар улкан ишлар турганлигини хис этиш зарурлигини аён этади. Шу боисдан сессия рухияти хар бир дастурни сайловчиларимиз талабларига янада эьтиборли

сия хўжалик фаолияти юри-

тиш ва тадбиркорлик сохаси-

бўлишни, масъулият ва фаолиятни кучайтиришни талаб этади.

Қонун халқимизнинг хаётий эхтиёжларидан келиб чикиб яратилади. Шундай экан, унинг асосий манбаи хам хаётдир. Халкимизнинг барча қатламларини ўзида намоён этган парламентимиз оқ қоғозға туширилган қонунлар моддалари устида ишлар экан, энг аввало, уларга ишонч билдирган халқнинг рухидан, кайфиятидан, талабидан келиб чикиб ёндошмокда. Боболардан қолған шундай накл бор: «Битта бош — яхши, иккита бош - ундан хам яхши». Кеча ўз ишини якунлаган сессияда эса минг-минглаб фукароларнинг хохиш-иродаси, орзу-ниятлари ифода этилди, десак ўринли бўлур эди. Юкорида айтганимиздек, сессиянинг иккинчи куни қизғин мунозара ва бахсларга бой булди, окилона ва доно ечимга келиш учун кўпларнинг тажриба ва билими ягона максадга сафарбар этилди.

Насиб этса, бу қонунлар халкимиз турмуш фаровонлигини ошириш, озод ва обод Ватан қуриш йўлидаги ниятларимизга муносиб пояндоз бўлгусидир!

Ш.ЖАББОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. н. мухаммаджонов

олган суратлар.

ФАОЛЛИК, ТАШАББУСКОРЛИК ЯНГИЛИККА УНДАЙДИ

Президентни сессияда минбарга чикишга нима ундади?

Олий Мажлис сессиясида мамлакатимиз рахбарининг гапларини эшитиб, шундай хулосага келдим: одам канчалик фаол булса, одам канчалик ташаббускор булса, шунчалик куп янгилик туғиларкан, шунчалик куп янгилик дунёга келар экан. Гапирсам, айтсам, хато қилиб қўяманми, деган хадик, аксинча одамни фаолиятсизликка ундаркан, худпараст ва бокиманда килиб куяр экан...

Олий Мажлис сессияси кун тартибидаги биринчи ма-сала — «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қумигалари ва комиссияларини Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чакирик Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чи-кадиган 2000-2002 йилларга мулжалланган конунчилик ва назорат фаолиятининг устуворлик жихатлари тугрисида»ги хужжат лойихаси, хакикатан, хам долзарб, хам мухим масала эди. Бу янги таркибда шаклланган Парламентимизнинг 2 ярим йиллик фаолиятини белгилаётган эди. Хўш, 2 ярим йил ичида, кандай конунларни яратамиз, кандай конунлар нинг ижросини жойларга чикиб ўрганамиз, тахлил киламиз? Бугун фукаро ва жамият учун қандай янги хуқуқий хужжатлар мухим, сайловчиларим нималарни хохлаяпти, уларга мен атиги 5-6 ой бу рун нима, деб ваъда берган эдим, сайловолди дастуримда нималарга кўпрок эътибор каратишни айтган эдим, мен аъзо бўлган, менинг номзодимни кўрсатган партия дастуридаги гоялар. «ваъда»лар хозир қабул қилинадиган хужжат лойиха сида нечоглик акс этган? Хар бир депутат, фракция ёки блок рахбарлари лойиха кабул килинаетганда ана шу-ларни ўйлаётган, ана шундай саволлар куршовида булсалар керак, деб ўйлагандим. Лекин... Лекин Олий Мажлис Раиси бу хакда қанчалик батафсил маъруза килмасин, канчалик депутатларга кимда савол, таклифлар бор ким сўзга чикишни хохлайди ушбу лойиха хакида демасин на бир депутат, на бир фракция, на бир блок рахбари хеч ким чурк этмади. Парламент раисининг мурожаатига жавоб бўлмаганидан кейин лойихани овозга қуйишдан бошка имкони колмади. Шунда мамлакатимиз рахбари минбарга кутарилди, асл одатига хос куюниб, ёниб га-пирди. Депутатларни, партия фракциялари, блоклар рах-барларини, «куйдим-пиш-дим» бўлишга, фаолликка, ташаббускорликка чақирди Мамлакатимиз рахбари хар галгидек гапира туриб, қатор янгиликларни хам айтиб

кан», деган фикр ана шу лах-заларда пайдо булганди... Мамлакатимиз рахбари нима дедилар, нималарга эътибор қаратдилар? У киши айтганидек, хозир кабул қилинаётган лойиха шунчаки оддий хужжат эмас эди. У янги парламентнинг 2 ярим йиллик фаолиятини белгилаб берадиган хукукий асос эди. Унда, демак турли гоя ва карашларга эга булган депутат, фракция, блокларнинг нуқтай назари жамулжам булиши, иложи борича, тула ифодаланиши керак эди. Тугри, бу лойиха бундан аввал хар бир кумитада, комиссияда мухокама килин-ганди. Лекин у хозир нака-дар мукаммал? Гап шу хакда кетаётганди. Очикрок айтганда, мамлакатимиз рахбари уни янада мукаммалрок булишини истаетганди...

ўтди. Менда «хар кандай фа-

оллик, хар кандай ташаббус-

корлик янгиликни тугдирар-

Президент жамият олдида турган асосий максадимизни содда, лўнда килиб тушунтириб берди: биринчиси — тинчлик, иккинчиси — тараккиёт ва фаровонлик, учинчиси — эркин хаёт. Де-мак, максадимиз аник. Лекин унга эришиш йўллари, табиийки, турлича. Бу йулларни бизга демократик

жамиятда ким таклиф қилади, ким тавсия этади? Партиялар. блоклар, мустақил депутат-Улар-чи? Улар хозир нима қилаяпти, улар нега шундай пайтда сукут саклашаяпти? Нега улар асосий максадимизга эришишда ўзларининг муқобил йўлларини таклиф килишмаяпти? Нега уларнинг «йўллари» фаркланмаяпти: бир хил, ўхшаш. «Эски замоннинг хиди келяпти, — деди чидаёлмаган мамлакатимиз рахбари, — унда, келинглар, битта партия тузиб қўяқолай

лик...». Президент бундай кескин ва аччик гапни бекорга айтмади Чунки у бундан аввал хам бир неча бор сиёсий партияларни ташаббускорликка унда-

ган эди Мамлакатимиз рахбари яна бир иухим гапни айтдилар шу куни. Конун лойихала рини тайёрлаш, мухомеханизмини ишлаб рак. Бизда давлат бошқаруви ҳокимиятнинг уч бўгинига асосланган: қонун чиқарувчи хокимият, ижроия хокимияти суд хокимияэкан, бу уч мустакил хокимият бир-бири нинг ишига аралашма. син, халақит бермасин, аксин-

ча, ҳар бири мустақил фаолият юритсин. Шундагина жамиятда Президент бир неча бор айтган ва истаётган табиий ривожланишта асосланган самарали тизим шаклланади. Дейлик, конунни ижроия хокимияти тайёрлади, қонун чиқарувчи хокимият эса уни шундайлигича кабул килди. Шундай вазиятда суд хокимиятининг холатини тасаввур қилиш унчалик қийин эмас. Қонун лойихасини ким тайёрласа, табиийки, унда аввало уша томоннинг атлари устуворлик қилади. Узбекча айтганда, ҳар ким курпани узининг устига тордай экан, эхтимол, ваколатли ва манфаатдор субъектлар фракциялар, блоклар, қонунчилик ташаббусига эга бўлган шахслар, хатто битта депутатнинг ўзи томонидан хам муайян қонуннинг бир нечта мукобил лойихаларини тайёрлаш керакдир. Демак, конун лойихаларини тайёрлаш ва мухокама килишнинг муътадил холатини шакллантириш лозим. Бунинг учун эса, аввало, унинг механизмини ишлаб чиқиш, ва шу жараённи тезлатишга доир қонун лойихаларини тайёрлашни жадаллаштириш даркор.

Хар бир партия ёки блокнинг харакат дастури — манфаатлари ва кизикишлари бор. Агар улар муайян қонун буйича ўзларининг мукобил пойихаларини тайёрлашса. таклиф қилишса, ўша қонунда аввало, юкорида айтганимиздек, ўзларининг манфаатларини ифодалайди. Ва буни табиий холат, деб қабул қилмоқ керак. Агар тўртта партия, ик-

МУКОФОТНИ

МУНОСИБЛАР ОЛАДИ

кита блок битта конун буйича биттадан муқобил лойиха тайёрланганда хам олтита лойиха пайдо булади. Олтита лойиха асосида вужудга келган қонун қандай булишини тасаввур қилиш қийин эмас. У хам мукаммал бўлади, хам унда барча фракция ва блокларнинг манфаатлари ифодаланали. Мамлакатимиз рахбарининг фракция ва блокларни фаолликка, ташаббускорликка ундашида хам ана шундай

хакикатни англаш мумкин. Агар мавжуд сиёсий кучлар ўзларининг тарафдорлари сайловчилари билан якин алока ўрнатсалар, парламент-га уларнинг манфаатлари ва қизиқишларидан келиб чиққан холда янги-янги қонун лойихаларини таклиф килсалар шунда ўша сиёсий кучни, зиё ли нари турсин, хатто оддий дехкон хам бемалол танийди-

ўнлаб сиёсий кучлар орасидан хам бемалол таниб, ажратиб оладиган даражага етади. Мамлакатимиз рахбари сиёсий партияларни худди ана шундай бўлишини, жами ятда худди ана шундай мавкега эришишини истаяпти шунга даъват

Президент

Олий Маж-

лисда яна бир ташаббус билан чикди: «Халқ сўзи» хузурида бир нашр ташкил қилинса, мавжул қонунларни, меъёрий хужжатларни чоп этиш хукукига эга булса, шунда яратиларимиз фукароларимиз

куст етиб борарди. Холбуки, бунга хозирги кунда эхтиёж катта. Колаверса, бугунги фуқароларимиз ҳам кечагига ўхшамайди. Харидор ҳам тоулшамайди. Ааридор дам то-пилади. Демак, яхши ва яна бир янги ташаббус. Жахонда хам бундай тажриба бор. Масалан, АҚШда қонунлар ва қонун ости хужжатлари хукуматнинг «Федерал регистр» деб аталадиган газетаси оркали тарқатилади. Демак, унга обуна булган ёки сотиб олган хар бир киши истаган конунга эга бўлиши мумкин. Конгрессорганлари томонидан кабул қилинган барча қонун ости меъёрий хужжатлар ва қарорлар «Федерал регистр» да чоп килиниши шарт. «Федерал регистр» хар йили бир марта федерал конун ости меъёрий хужжатлари Кодекси номи билан китоблар тупламини хам нашрдан чикаради. Агар сизда «Федерал регистр» ва «Федерал меъёрий хужжатлар Кодекси» бўлса, демак сиз хозирги кунгача бўлган барча қонун ва меъёрий хужжатларга эгасиз. Уларда қонунларнинг янгиланган индекс ракамлари ва жадваллари борки, сиз маълум бир мавзу, ташкилот ёки конунга оид барча меъёрий хужжат ва карорларни осонлик билан топа оласиз. Зеро, конуннинг халк учун бемалоллиги қанчалик мухим бўлса, уни топишни осонлаштириш хам шунчалик

мухимдир. Узбекистон Республикаси Конституциясида хамма қонуности хужжатлари фукаролар учун бемалол бўлиши кераклиги айтилган. Маълумотларга караганда, фукаролар шу пайтгача нашр килинган куг

конунларни топишда кийналаётган эканлар. Мамлакатимиз рахбарининг ташаббуси, агар мукаммал равишла амалга ошса, бундай муаммоларнинг ўз-ўзидан бархам топиши аник. Ана шунда жамиятнинг хар бир аъзоси истаган қонун, қарор ёки фармонни топиши жуда хам осонлашади. Зеро, индекс ракамлари билан тартибга солинган конунлар, карорлар ва уларни тарқатиш ўзининг самарадорлигини аллакачон исбот килган воситадир. Бу восита иккинчи томондан Олий Мажлис қабул қилган Жамиятда хукукий маданиятни ошириш дастурининг амалга ошишига хам катта улуш қ<u>ў</u>шади. Мамлакатимиз рахбари

шу куни, Олий Мажлисдаги чикишида 1990 йилнинг март ойини эслаб, биз ўшандаёк ўзимизга хос ва мос йўлни танлагандик, деди. Бугун барча нарсаларни, жум ладан Олий Мажлиснинг хам мохияти тубдан ўзгарди. Хуш, айтинг-чи, совет дав рида ўзбек одатига, шарои тига мос қандай қонун қабул қилинганди? Бугун-чи? Парламентимиз, дархакикат, катта йўлни босиб ўтди, ўзига хос тажрибалар орттирди, миллий қонунчилигимизни ярата оладиган мутахассис лар шаклланди. Содда қилиб айтганда, у хар жихатдан пишди, юксалди. Профессионал, малакали Парламентни шакллантириш даврига етиб келдик, деди Президент. Ва иккинчи чақириқ Олий Мажлис ўз ваколатини тугатганидан кейин, яъни 2004 йилдан бошлаб, Парламент таркибини ўзгартиришни таклиф қилди.

Мамлакатимиз рахбари ўз чикишида яна бир мухим янгилик — янги хужжатга имзо чекишини айтди. У қандай фармон, унинг мохияти, максад-муддаоси нимадан иборат? Президент депутатларга ана шу хакда гапирди. Армиямиз таркибини тубдан ўзгартиришимиз керак, деди Чунки бизда халигача совет давридаги таркиб ва тартиб кўлланилади. Бу энди ликда хам мазмун, хам шакл жихатдан эскирди. Афгонистондаги урушлар, Чеченистондаги вокеалар фикримизнинг далилидир. Армиядаги мавжуд машгулотлар аскарларга текисликдаги жангларга тайёргарликни ўргатади Узбекистон шароитида эса тог хам бор, текислик хам бор, дарё хам бор. Қолаверса, Узбекистоннинг иклимини хам хисобга олишимиз керак. Демак, бизга ана шундай шароит, иклим ва вазиятда хам жанг кила оладиган тезкор армия зарур Мамлакатимиз рахбари армияни ислох килишдан асосий максад оддий аскар хаётини кўз қорачигидек ас рашдир, дедилар. Узимизнинг уйимизни ўзимиз асрашимиз химоя кила олишимиз, тинчлик ва хотиржамликни таъминлашимиз зарур.

Президентимизнинг сессиялаги чикишларилан шундай хулосага келиш мумкин: биз ўз олдимизга келажакда хукукий демократик давлатни барпо этиш, фукаролик жамиятини шакллантиришни максад килиб күйган эканмиз, бугунги барча амалий саъй-харакатларимиз, табиийки, ана шу жараённи шакплантиришта каратилган Якин келажакдаги вазифаларимиз, устувор тамойиллар хам барча сохаларни эркинлаштиришни такозо этмокда Эркинлаштириш жараёни эса у хох депутат бўлсин, хох оддий фукаро булсин - хам мамиздан мамлакатимиз рахбари даъват килаётганидек фаолликни, ташаббускорликни, фидойиликни та-

Исмат ХУДОЁРОВ.



КУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИГА — **THE SHEW ETHER THE**

Пойтахтнинг Шератон-Тошкент мехмонхонасида Голландиянинг оламга машхур «HUNTER—DOUGLAS» фирмаси махсулотларининг такдимоти бўлди. Фирма бино шифтлари учун алюминдан ясалган осма қопламалар, уй олд қисми учун ускуналар, жалюзлар, сэндвич-панеллар ишлаб чикаришга ихтисослашган. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Исаевнинг иштироки такдимотга алохида рух багишлади. Курилиш индустрияси сохасидаги энг янги жахон ечимларига бунчалик қизиқишнинг хай-рон қоларли жойи йўқ. Мамлакатимизда, шу жумладан, пойтахтда кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилмокда. Табиийки, бинокорлар энг янги курилиш материалларидан фойдаланишга интилади.

Шу ўринда «такдимот» сўзи хийла шартли эканини таъкидлаш керак. Чунки, бу фирманинг махсулотларини республикада, айникса, Тошкентда яхши билишади. Уларни Халк банки биносида, Олой бозори ва бошка ин-

шоотларда кўриш мумкин. Шундай экан, нега яна такдимот ўтказил-ди? «Хантер Даглас С.Н.Г.» ёпик турдаги акциядорлик жамиятининг бош директори Люд-мила Кузнецова айтганидек, мана энди, ўзбек шериклари билан саккиз йиллик муваффакиятли хамкорликдан сўнг айрим якунларни чикариш, энг замонавий курилиш материалларидан бирининг имкониятлари хусусида муфассал гапириш, янги махсулотларни на мойиш қилиш мумкин. Унинг сўзларига қараганда, фирма хеч качон ўз махсулотларини сотиш учун бозорга киришмайди. «Хантер Даглас» ишлаб чиқарувчилар билан шерик чиликда фаолият кўрсатиб, уларга хомашё юкори сифатли копламали алюмин лента ет казиб беради. Саккиз йил мукаддам «Ўзиккиламчиранглиметалл» акциядорлик жамияти, аникроги, унинг хузурида ташкил этилган «Ранглиметалл» масъулияти чекланган жамият фирманинг шундай шериги бўлиб қолди. Шу жамият директори Аршак Алахвердян ва тижорат директори Файзулла Ибодов такдимот пайтида айтишганидек, янгидан ташкил этилган бу корхонага жалюзлар учун ламеллар прокати тайёрланадиган станоклар, шифт ва девор копламаларини куйиш стани бепул етказиб берилди. Мутахассислар ва ишчилар Голландияда касб эгаллаб келишди. Корхона тижорат директорининг сўзларига караганда, уларнинг махсулотларига талаб катта Кейинги 4 йил мобайнида сотув хажми 200 миллион сўмга етиб борди. Албатта, бу кўрсаткич янада юкори бўлиши мумкин эди. Бу курилиш материаллари факат бизнинг бирақобатбардош бўлган бу махсулотлар ташқи

бозорда хам харидоргир. Факат хомашё алюмин лентасининг бахоси баландлиги уни кўпайтиришни тизгинлаб қўймокда. Айни мана шунинг учун такдимот давомида келгусида ишлаб чикариш муайян даражада чекланган қўшма корхона ташкил этиш хусусидаги сухбатлар манфаатдорлик билан ўтди. Шу маънода фирманинг янги махсулоти

сэндвич-панел катта кизикиш уйготди. «Hunter Douglas» компаниясининг Шаркий Европа бўйича минтақавий менежери Нико Пулскенс бу тўгрида муфассал гапириб берди. Бундан ташқари, у йиғилганларни фирманинг тарихи билан таништирди. Корхона 1919 йили Германияда ташкил этилган булиб ўттизинчи йилларда Голландияга кўчиб ўтган. Айни ўша пайтда алюмин қотишмаси учун алохида коплама кашф этилди. У махсулот-ни куримли, файзли килади. «Hunter Douglas» жахондаги 83 та мамлакатда 150 компанияга эга. Унинг йиллик айланмаси бир ярим миллиард АКШ долларини ташкил этади. Акциялари эса юкори бахоланади.

Фирма фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — биноларнинг олд томонини алюминийнинг зангламайдиган копламаси билан пардозлашдир. Бу қопламалар нихоятда мустахкам бўлиб яхшигина тахталаниш хусусиятига эга. Бундан ташқари, бу панеллар дан эски биноларни таъмирлашда фойдала ниш хам мумкин. Бу иш тез бажарилиб, сарфхаражатлар унчалик катта бўлмайди. Дера заларга сиртки коплама сифатида фойдаланиладиган ташки жалюзлар биноларни иссикдан сақлайди. Бу эса бизнинг иссиқ иқли мимиз учун нихоятда фойдалидир. Албатта, Luxalon тўгри алюмин ва кичик осма қопла-малар ўз оддийлиги ва тузилишининг кулайлиги билан замонавий меъморчиликда кўпги на қизиқарли имкониятлар очади. Буларнинг хаммасини эндиликда ўзимиз-

да кўриш мумкин. Тўгри, алюмин лентадан ясаладиган сэндвич-панеллар бошқа қопламаларга ўзига хос воситалар билан махкам ланади. Ленталарининг ораси махсус тулдирилган бу қопламалардан фойдаланиш кел гусининг иши. Ишонамизки, улардан фойда-ланишга хам тез фурсатда киришилади, зеро бундай қурилиш материалига республикамизда эхтиёж бор.

Татьяна ОРЛОВА СУРАТДА: ёпик турдаги акциядорлик камияти меъморий махсулотларни сотиш бўйича менежери Сергей Филлипов: «Мана, кўринглар, биноларнинг фасади-ни панеллар билан коплаш унга ўзгача чирой беради».

Татьяна КРАВЧЕНКО олган сурат.

вий баркамол, ўз она-Ватанининг тарихини мукаммал ўрганган, билимдон фарзандлар килиб тарбиялаш, улар халкимиз ўтмишини, ўзбек давлатчилигининг негизларини англаб етишларига кўмаклашиш, тарихимиз тўгрисидаги тушунчаларини тўгри шакллантириш максадида турли тадбирлар ўтказилмокда. Талаба ёшлар ўртасида ўтказилган «Сиз тарихни биласизми? кўрик-танлови шундай тадбирлардан биридир.

Ёшларни маъна-

«XXI acp ёшлари» -

Кўрик-танловнинг вилоят боскичи Мархамат мелиорация ва сув хўжалиги, Андижон молия ва иктисодиёт, Хонобод техника-иктисодиёт коллежлари, Бўз педагогика билим юрти ва Хўжаобод тиббиёт билим юрти талабалари ўртасида ўтказилди. Хўжаобод тиббиёт билим юртининг «XXI аср ёшлари» жамоаси мутлақ ғолибликни қўлга

киритди. Тошкентда ўкув юртлари талабалари ва умумтаълим мактаб ўкувчилари ўртасила «Сиз тарихни биласизми?» кўрик танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Вилоят шарафини химоя килган «XXI аср ёшлари» жамоаси кучли учликдан ўрин олди. Голиблар Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, Республика «Камолот» жамғармаси, Фанлар академияси Тарих институтининг дипломи ва кимматбахо совгалари билан такдирландилар.

А. ВОХИДОВ.

ЯНГИ ИШЧИ

Ширинмия илдизи етиштириш оркали мустакил мамлакатимиз валюта тушумига муносиб улуш қушиб келаётган «Коракалпокширинмия» хиссадорлик жамияти 1999 йил якунига кўра рентабелликни 195 фоизга етказган эди. Жамият ўз акциялари савдосини гўгри ташкил эта олгани эвазига 74 минг АКШ доллари микдорида фойда кўрди.

— Янгидан 50 та ишчи ўрни очдик, — дейди хиссадорлик жамияти раиси. Коракалпогистон Жукорги Кенгеси депутати Султонмурат Кониёзов. — Бу борада белгилаб қуйган режаларимиз кўп. Жамоамиз ахли учун замонавий сихатгох хам куриб ол-

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Газетангизда ўкидим

ОККАН ДАРЕ ОКАВЕРАДИ



Газетамизда «Мухокама учун мавзу» рукни очилганига куп булгани йук. Аммо тез кунларда ўкувчиларимиздан бу рукн ва маколага нисбатан ўз муносабатларини билдирган хатлар ола бошладик. Биз тилга олган мавзу, харкалай, муштарийларни бефарк колдирмабди. Бу эса бизни нихоятда кувонтирди. Зеро, янги рукнии очишдан максад хам газета ўкувчилари билан мулокотни янада яхшилаш, жойларда бокибегамлик туфайли куртак ёзган ва баъзан илдиз отган муаммоларни бартараф этиш йўлларини биргаликда ахтариш, Ватанимизнинг иктисодий-сиёсий, маънавий юксалишига бахоли кудрат хисса кушишдан иборат.

Бизнинг бу максадимизни кўллаб-кувватлаб мактуб битаётганларнинг сони кун сайин ортмокда. Демак, эл-юрт фидойиларининг сафи тобора ошиб бораётир. Бундан кувонмай бўладими?

Сизнинг эътиборингизга хавола этилаётган ушбу муносабат-макола кўплаб мактубларнинг биринчисидир.

«Халқ сўзи» газетасининг 2000 йил 4 майдаги 85-сонида босилган «Кишлок кутубхонаси» маколасини узок вақтдан бери кўтарилиши лозим бўлган мавзу сифатида ўкидик,

Элимизда «иш куролинг соз булса, машаккатинг оз бўлар», деган макол бор. Халкимизнинг маърифий ва маънавий юксалиши, баркамол янги авлодни тарбиялашда зиё маскани хисобланмиш кишлок кутубхоналари ахамияти бекиёс. Аммо маколада таъкидланганидек, бу соха кейинги пайтда бироз унутиб кўйилгандек.

Биргина Сурхондарё вилоятида (бошка вилоятларда хам кам эмас) 413 та оммавий кутубхона мавжуд. Шундан 373 таси қишлоқ кутубхонасидир. Бу вилоят кишлокларининг 3 дан 2 тасида кутубхоналар мавжуд деганидир. Табиийки, маънавий-маърифий вазифаларни бажаришда кутубхоналар жуда катта куч ва қурол бўлиб хизмат килади.

Кутубхоналарнинг ахволи, мақолада кўрсатилганидек, оғир эканлигига шубҳа йўқ. Кутубхоналар фондининг 47,4 фоизи бошка тиллардаги китоблар эканлиги рост. Саккиз йил мобайнида шўролар мафкурасини таргиб қилувчи 1160,4 минг нусхадаги китоблар эса то-

заланган ва тозалаш ишлари давом этмокда. Президентимиз таъбири билан айтганда. маънавиятимиздаги ана шу бўшликни тўлдириш, кўнгилдагидек эмас. Бунга сабаб куубхоналар жамғармасини тўлдиришга ажратилаётган маблагнинг жуда камлигидир. Яьни, саккиз йил давомида олинган жами китоблар (бу ерда мафкурадан холи бўлган бошка соха адабиётлари хам) 150 минг нусхани ташкил этади, холос.

Кўп йиллик тахлиллар шуни кўрсатмокдаки, биронта хўжалик рахбари кутубхонага келиб, аъзо бўлиб, китоб ўкиган эмас. Шу туфайли бўлса керак, кутубхоналарни таъмирлашга ёрдам бериш у ёкда турсин, қишлоқ кутубхоналари жойлашган биноларни тортиб олиш, сотиш, хатто турганлиги учун ижара хақи талаб қилиш холлари хам уч-

Окқан дарё оқмасдан қолмас, деганларидек, аждодлари дониш ўтган миллат болалари бугун хам китоб ўкимокда, бугун ҳам кутубхонага келмокда. Лекин эътибордан четда колиб келаётган кишлок кутубхоналари уларнинг талабларини кондиролмаяпти.

Зиё масканларида ишлаётган ходимларнинг савияси нега замон талаблари даражасида эмас? Бизнингча, бунинг хам ўз объектив ва субъектив сабаблари бор.

кўриш керак: Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида (хозирги университет) кутубхоначилик факультети ташкил қилингандан кейин ва 1974 йилдан буён Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти кутубхоначилик факультетлари неча нафар олий маълумотли кутубхоначибиблиограф тайёрладилар? Бундан ташкари ўрта-махсус маълумотли кутубхоначилар тайёрлайдиган ўкув муассасалари қанча-ю, уларни тамомлаган мутахассислар канча? Имоним комилки, хеч бир соха кишилари ушбу соха мутахассислари каби бошка сохаларда ишлаётгани йўқ. Машхур журналистлардан тортиб, бизнесчи, ўкитувчи, жамоат ташкилотлари вакиллари. тракторчи, темир-бетон заводи ишчисини кўрсангиз юкоридаги олий даргох кутубхоначилик факультети дипломи сохибу сохибаларидир. Минг афсуслар бўлсинки, бу соха хозир хам малакали му тахассисларга мухтож. Нега бу соха мутахассислари ўз сохаларини ташлаб кетмокдалар? Бунга сабаб, биринчидан, бу сохага эътиборсиз каралишида, деб ўйлайман. Якинда хокимиятда бўлган сухбатда «кутубхоначилар» деган писан-

дани эшитиб, фигоним фалак-

ка кўтарилди. Шу ўринда бу

«жаноб»ларга Самарканд до-

Агар имкони бўлса ўйлаб

рулсалтанатини сўраган буюк бобокалонимиз Улугбек хазратларининг ўз замонаси кутубхоначиси Аваз китобфурушнинг хизматини муносиб такдирлаб, «Менинг устозим бўлади» деганликларини эслатиб куйиш, жоиз деб ўйлайман.

Иккинчидан, бугун кутубхоначига берилаётган маошнинг камлиги ва хеч қандай имтиёз (электр энергия, сув, газ ва хоказо)нинг кўзда тутилмаганидир. Бошка соха ходимлари, жумладан, ўкитувчилар ишдан бўш вактларида кушимча даромад ахтариши мумкин, кутубхоначи бундай қилолмайди, чунки у эрталабдан кечгача китобхонга хизмат килиши керак.

Соха мутахассислари ўз ўрнини ташлаб кетгандан сўнг кутубхоналарга бошка соха ходимлари (ўз сохасини эплай олмаган) кириб келмокда. Бундан ташқари қишлоқ кутубхонасига жой берган хўжалик рахбари, қишлоқ фукаролар йиғини, махалла кумитаси раиси, албатта, шу кутубхонада ўзининг қариндоши ишлашини талаб қилади. Бу эса кутубхоналарнинг иши ва улардаги ходимларнинг са-

виясини янада пасайтиради. Хуллас, бу сохада хам ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп. Шу жихатдан сохада изчил ислохотлар ўтказилиши талаб этилали. Бу муаммоларнинг ечими чукур тайёрланган давлат ахамиятидаги хужжатнинг (соха хакида конун, Вазирпар Махкамасининг қарори) кабул килинишидадир. Чунки бу муаммолар бутун мамлакат бўйича ечилиши ке-

Шавкат ИСЛОМКУЛОВ. Сурхондарё вилоятидаги Собир Термизий номли универсал-илмий

кутубхонаси рахбари.

Узбекистон Хотин-кизлар кўмитасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Республика Хотин-кизлар кўмитаси раиси ўринбосари Д.Кобулова бошкарган мазкур анжуманда Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, барча вилоятлар ва туманлар хокимлари ўринбосарлари — хотин-кизлар кўмиталари раислари, илм-фан, маданият ва санъат арбоблари иштирок этди. Таъкидланганидек, ташаббуси билан ташкил

бу йил Халкаро хотинкизлар байрами арафасида мамлакатимизнинг адабиёт. санъат, илм-фан, маданият ва таълим сохасида катта ютукларга эришган ўн тўрт нафар иктидорли кизи Президентимиз Фармони билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Бу мамлакатимизда ёшларнинг хар томонлама камол топиши ва ўсиб улгайиши учун Президентимиз ва хукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир намойи

Давлатимиз рахбари Ислом Каримов

этилган мазкур нуфузли мукофотга муносиб номзодларни танлашда жойларда ташкил этилган тегишли комиссияларнинг хиссаси катта булди, Уларнинг саъй-харакати билан ёшлар орасидан энг иктидорли, илм-фан. таълим, адабиёт ва саньат сохасида ўзини кўрсатган қизлар танлаб олиниб, мукофотга тавсия этилди. Аммо комиссияларнинг барчаси хам кўнгилдагидек иш юрита олмади. Айникса, танловнинг куйи боскичида --туманлар микёсида сансалорлик, сусткашлик ва ўзибўларчиликка йўл кўйилди. Шу боис. мажлисда хотин-кизлар

кўмиталари кошида

ташкил этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, бу ишга танлов жараёнининг дастлабки боскичларидан бошлаб пухта тайёргарлик кўриш, ўз вактида муносиб номзодларни топиш ва такдим этиш зарурлигига жиддий

эътибор қаратилди. Шунингдек, анжуманда мазкур юксак мукофотга бу йил илк бор сазовор булган барча совриндорлар ижоди ва фаолиятини жойларда кенг таргиб этиш зарурлиги алохида таъкидлаб - УТИЛДИ.

Зухро УСМОНОВА, **ЎзА** мухбири.

Навоий шахрида Навоий Давлат кончилик институти ташкил этилганлигининг беш йиллиги муносабати билан илмий-техник конференция булиб утди. "Казилма бойликларни ноанъанавий усулда қазиб олишнинг кулай усуллари ва XXI аср кончилиги тараққиёти" мавзуидаги ушбу анжуманни республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Кизилкумноёбметаллолтин" давлат концерни, Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий Давлат кончилик институти хамкорликда уюш-

ИСТИКЛОЛ ФАРЗАНДИ

Маълумки, давлатимиз мустакиллигининг дастлабки йиллариданок Кизилкум сархадларидаги казилма бойликларни ўрганиш ва ўзлаштириш иктисодиёт сохасидаги асосий вазифалардан бири этиб белгиланди. Шу максадда Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган Навоий Давлат кончилик институтида соха буйича малакали мутахассислар тайёрлана бошланли

Анжуманда Хитой, Россия, Украиналан келган олим ва мутахассислар Навоий Давлат кончилик институтида олиб борилаётган изланишлар Узбекистоннинг равнаки учун хизмат қилишини таъкидладилар.

(Ÿ3A).

фаргона водийсининг Риштон туманида дунёга келган ал-Бакр ибн Абдулжалил ал-Фаргоний ар-Ришдоний ал-Маргинонийдир. Бурхон уд-Дин (ислом динининг исботи, хужжати) деган ном эса ўша даврда энг кўзга кўринган алломаларга бериладиган шарафли ном хисобланган. Шу сабабли у киши купрок Бурхониддин ал-Маргиноний номи билан машхурдир. Урта асрлардаги алломалар таржимаи холининг аксариятида уларнинг тугилган саналари маълум булмайди Хазрат Бурхониддин ал-Маргиноний таржимаи холи келтирилган барча манбаларда хам у кишининг факат вафот этган йили зикр этилган. Лекин Абу Тохирхўжанинг «Самария» номли асарида ул зотнинг 515/1123 йилда таваллуд топгани хакида маъ-лумот бор. Аммо кейинги даврда чоп этилган манбаларда, масалан

1990 йилда Байрутда чоп этилган «ал-Хидоя» асарининг сўзбошисида бу сана 511/1118 йил қилиб кўрсатилган. Узбекистон Фанлар академиясининг Шаркшунослик институти хазинасида сақланаётган «ал-Хидоя»нинг қадимий қулёзмалари устида олиб борилган тадқиқотлар натижасида айнан кейинги сана, яъни 511/1118 йил тўгри эканлиги тасдигини

Бурхониддин ал-Маргинонийнинг болалиги ва ўсмирлик дав-ри хакида батафсил маълумотлар бўлмаса-да, ўкимишли ва зиёли одамлар авлодидан эканлиги хакида манбалар гувохлик беради. Дастлабки таълимни Маргилонда олди. Ёшлик пайтидаёқ Куръони каримни ёд олиб, хадис илмидан мукаммал таълим кўрган. Кейинчалик ўша даврда Мовароуннахрнинг диний, илмий, маърифий марказларидан бири Са-маркандга кўчиб бориб, ўша ерда тикомат килиб, илмий фаолият либ борган.

Алломанинг устозлари ҳақида-ги маълумотлар унинг ўз қаламига мансуб «Китоб ул-машоих» асарида келтирилади. Бу асарда у ўзи бевосита ёки билвосита таълим олган қирқдан ортиқ шайхларнинг, хусусан Нажмуддин Абу Хафс Умар ан-Насафий, Хисом уд-дин Умар ибн Абдулазиз Абу ал-Асир ал-Байзовий, Абу Ёкуб ас-Саярий ва бошка шайхларнинг исмларини зикр килган. Бурхониддин ал-Маргиноний 544/

Бурхонидин ал-мартилийн 1149 йили муборак Хаж сафарига бориб кайтган ва 573/1178 йилда машхур «ал-Хидоя» асарини ёза бошлаган. У 593/1197 йили зулхижжа ойининг 14 куни сешанбада вафот этган ва Самарканддаги Чокардиза қабристонига дафн этилган.

У анча бой илмий мерос қолдирган. Бизгача етиб келган асарларидан «Мухторот мажмаъ ун-навозил» («Нозил бўлган нарсаларнинг тан-ланганлари тўплами»), «Китоб ут-тажнис» («Мувофиклаштириш китотажнис» («Мувофиклаштириш китоби»), «Китоб ул-мазид» («Илмни зи-ёда килувчи китоб»), «Китоб ул-фа-роиз» («Фарзлар китоби»), «Китоб ул-мунтакий» («Танланган китоб»), «Бидоят ал-мубтади» («Бошловчилар учун бошлангич таълим»), «Кифоят учун оошланғич таылим»), «кифомт ал-мунтахий» («Якунловчилар учун тугал таълим»), «Маносик ал-ҳаж» («Хаж маросимлари»), «ал-Хидоя» («Тўғри йўлга кўрсатма») ва бошқа катор асарлари маъ-

«Бидоят ал-мубтади» асарининг вужудга келиши хакида мужумладан шундай дейди: «Фикх бобида барча масалаларни қамрайдиган, хажми унча катта бўлмаган ва турли мунозарали ўринларини бир хулосага мувофиклаштирадиган бир асар бўлиши зарурлигини ўйлаб юрардим. Кудурий кискартма-

сини ва Мухаммад аш-Шайбонийнинг «ал-Жомеъ ас-Сагир» («Кичик тўплам») асарлари билан танишгач ана шу икки асарнинг зарур ўринларини бир китобда жамлашга ихтиёр этдим ва бу асаримга «Бидоят ал-



<u> ХИДОЯТ</u>

HIPOFIA

Истиклол туфайли, Президентимизнинг окилона сиёсати туфайли

биз ўзликни англашдек улуғ жараённи бошдан кечирмокдамиз. Бу жа-

раён қадамба-қадам кечмоқда, тарихимизни сахифама-сахифа англаяп-

миз. Номи инсоният тарихини безаган боболаримизни номма-ном та-

Бу табаррук йўлда биз тинимсиз олға интилмокдамиз. Қадамба-

қадам янги-янги сарчашмалар бўйига интилаяпмиз. Бу йил тарих бағ-

ридан бизга Абу Мансур Мотуридий, Бурхониддин Маргиноний каби

аллома боболаримиз салом бериб чикиб келмокда. Улар билан танишиш,

табиийки, бизни маънавият пиллапояларида яна бир зина юкорига кута-

ради. Шу йўлда собитқадам бўлайлик, илойим.

мубтади» деб ном бердим». Кейин-

налик муаллиф бу асарга шарх ёзиб,

«Кифоят ал-мунтахий» деб атади. У нихоятда кимматли булиши билан

бирга хажми жуда катта — саксон жилддан иборат эди. Шу сабабли аллома унга иккинчи бир шарх ёзиб,

уни «ал-Хидоя» деб номлайди. Му-

аллиф таъбири билан айтганда, ри-

воятларнинг энг ишончлиси ва би-

лимларнинг энг тўгрисини ўз ичига

олган бу асар 573 йилнинг зулқаъ-

ла ойида чоршанба куни туш пайти-

ний илмга фидойилик ва такводор-

ликда асрлар оша инсонларга ибрат

бўла оладиган даражадаги аллома

эди. У зот ўзининг машхур «ал-

Хидоя» асарини ўн уч йил давомида ёзар экан, тарихчи Мухаммад Абдул-

хай Лакнавийнинг хабар беришича

шу муддат давомида рўзадор

бўлган. Узининг шижоати ва чукур

тақвосини кўз-кўз қилмай, аксинча

ўзгалардан пинхон тутган. Масалан, у кишига овкат олиб келганларида

ни қайтариб юбормас, балки олиб

колар, сунгра талабаларга бериб

едирар, кайта идишни олиб кетгани

келганларида, индамай буш косани

қайтариб берар эди. Шу тариқа, ат-

Хазрат Бурхониддин ал-Маргино-

ёзила бошланган.

бар топмаганлар. «Ал-Хидоя» асари ёзиб битирилгандан кейин у билан биринчи бўлиб Шамс ул-Аимма ал-Кардарий ганишиб чиққан эди. Замона алломалари бу асарга жуда катта қизиқиш изҳор этиб, катор-катор шархлар битганлар. Шу сабабли «ал-Хидоя»нинг деярли барча қўлёзма ва

рофдагилар унинг

рўзадор эканидан ха-

босма нусхаларининг хошияларида шархлар бор. Бу асарнинг катор кўлёзма нусхалари юртимиздаги ва хориждаги кулёзма хазиналарида сакланмокда. Узбеки-стон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунос-

лик институти қўлёзмалар хазина-

сида хам асарнинг бир неча ўн нус-

халари мавжуд. Жумладан, хозиргача бизга маълум булган энг кади-

мий қўлёзма нусхаси ҳам айнан шу

лари бўлгани каби алломанинг ат-

рофларида хам бундай кимсалар топиларди. Улар Маргиноний асарла-

рида келтирилган хадислар тугри

эмас, деб даъво килдилар. Шу са-

бабли катор уламолар асарда зикр

этилган хадисларнинг келиб чики-

шини тахлил килдилар. Бу мавзуга

бағишланған қатор асарлар битил-

ди. Жумладан, Мухиддин Абдулкодир

ибн Мухаммад ал-Кураший ал-Мис-

рий «ал-Иноя би маърифати аходис

ал-Хидоя» («Ал-Хидоя» хадисларини

ўрганишга эьтибор»), шайх Алоуд-

дин «Ал-кифоя фи маърифати аходис

ал-Хидоя» («Ал-Хидоя» хадисларини

ўрганишга етарли билим») ва шайх Жамолиддин ибн Абдуллох ибн Юсуф аз-Заимий «Насаб ар-рая ли

аходис ал-Хидоя» («Ал-Хидоя хадис-

ларига берилган эътибор») номли

асарларида бу хилдаги иддаолар

мутлако асоссиз эканлигини курса-

Маргинонийнинг яна бир фази-

Барча улуғ зотларнинг ҳасадгўй-

лати унинг нихоятда камтар инсон бўлганлигидир. Масалан, асарларида у ўзи ҳақида сўз юритган ўринларида «Заиф банда (Аллох уни кечирсин) шундай деди» шаклида зикр этади. Вафотидан кейин у кишининг шогирдлари асарларидаги шундай ўринларни «У зот (Аллох у кишидан рози бўлсин) бундай деди» шакли-

да ўзгартириб қўйганлар. Унинг баён услубида хам ўзига хослик кўзга ташланиб туради. Масалан, агар имом Қодихон ўз асарларида у ёки бу хукукий коидани баён этишда дастлаб ўзи танлаган қоидани баён этиб, ундан кейин унга мақбул булмаган услубни келтирса, ал-Маргиноний аксинча дастлаб ўзгаларнинг фикр ва далилларини зикр қилиб, сўнгра ўзи танлаган далил ва асосларни келтиради. Шу тарика, энг охирги сўз — муаллиф хулосаси бўлиб қолаверади.

«Ал-Хидоя» асари бир неча асрлар давомида бутун ислом оламида бетакрор қулланма сифатида эъзозланиб келмокда. У икки жилд ва тўрт жузъдан иборат. Хар бир жузъ ўз навбатида китоб, боб ва фаслларга бўлинади.

Асарнинг биринчи жузъига ибодат масалалари — тахорат, намоз, рўза, закот ва хаж мавзулари киритилган.

Иккинчи жузъ никох, талок, эмизиш, қулларни озод қилиш, топиб олинган болалар, қасам, жиноят, жазо, қочқин қуллар, бедарак йўколганлар; шерикчилик ва вакф мулки каби мавзулардан

Учинчи жузъ олди-сотди, пул муомалалари, кафолат, даъво, козиларнинг вазифалари, гувохлик, гувохликдан қайтиш, ваколат, икрор бўлиш, совга, ижара, чекланган озодлик берилган куллар, хомийлик, боскинчилик каби мавзулардан ташкил топган.

Тўртинчи жузъдан шафоат, мерос, дехкончилик хусусида шартнома, қурбонликка сўйиладиган жонзот, ташландик ерларни ўзлаштириш, таъкикланган ичим ликлар, овчилик, гаровга бериш, хун хаки тўлаш, васият ва бошка

мавзулар жой олган Узбекистон ФА Шаркшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган «Ал-Хидоя»нинг қўлёзма нусхалари ичида Мовароуннахр-нинг турли шахарларида, Миср, Афгонистон, Кашкар, Хиндистон ва бошқа мамлакатларда кучирилган нусхалари бор. Бу асарнинг қўлёз-ма нусхалари Германия, Туркия, Россия каби мамлакатлар қулёзма

хазиналарида хам сакланаётир. Асар аслида, араб тилида ёзил-ган булиб, кейинчалик форс, инглиз ва рус тилларига таржима килинган. «Ал-Хидоя»нинг рус тилига дастлабки таржимаси Н.И.Гродеков томонидан инглиз тилидан ўгирилган бўлиб, у 1893 йилда Тошкентда чоп этилган. Бу таржима асл матндан бевосита таржима килин магани учун анча нуксонли. 1994 йилда эса Тошкентда бу асар яна бир бор профессор А.Саидов сўзбошиси ва тахрири остида нашр этилди.

> Одилжон ҚОРИЕВ, **ЎзРФА Шаркшунослик** институти илмий ходими.

OTAMPA BYP HYPOX

AAOKA ТИКЛАНМОКДА

Хитой хукумати АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг кароридан мамнуният билдирди. АКШ парламентининг куйи палатаси мамлакатнинг Хитой билан муносабатларини яхшилаш тўгрисидаги қонунни маъқуллади Шундай қилиб, энди юқори палата - Сенат хам конунни маъкулласа, Хитой билан савдо-сотик муносабатларида юзага келган бахс-муно-

зарага чек қўйилади. Хитой товарларининг АҚШ бозорига кириши маълум даражада чекланган эди. Чунки, сифат жихатдан колишмайдиган, лекин нархи анча арзон бўлган бу товарлар махаллий махсулотларни четга суриб қуйиши мумкин. Лекин Хитой товарлари импортининг чекланиши АҚШ товарларининг Хитойга экспорти чекланишига хам олиб келмокда эди.

ХАРБИЙ МАШКЛАР HNXOACNLY ELVN

Таиландда АКШ, Сингапур ва Таиланд харбийларининг "Олтин кобра" қўшма харбий машклари нихоясига етди Тинчликпарварлик операциялари усулларини мукаммаллаштириш максадида ўтказилган ушбу тадбирда 20 мингдан ортик харбий, жумладан, АҚШнинг 13 минг офицер ва аскари қатнашди

Машклар якунлангач, унда иштирок этган давлатлар минтаканинг бошка мамлакатларини ҳар йили ўтказиладиган мазкур тадбирга қушилишга

МАКСАД – ДУНЕДА ТИНЧЛИКНИ САКЛАШ

Италияга ташриф буюрган Россия ташки ишлар вазири Игор Иванов мазкур мамлакат ташқи сиёсат махкамаси рахбари Ламберто Дини билан музокара ўтказди. Учрашувда икки давлат ўртасидаги алокаларни янада ривожлантириш хамда Владимир Путиннинг Италияга бўлажак ташрифига тайёргарлик масалалари мухокама қилинди Шунингдек, томонлар Европа хавфсизлиги, дунёда тинчлик-



Словакиянинг кухна обидалари.

ДА

4

6

ни саклаш ва минтакавий можароларни бартараф килиш масалалари юзасидан хам фикр алмашли.

FOLL BASHP

Швеция Бош вазири Йоран Перссоннинг Эстонияга ташрифи чогида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ва Европанинг интеграциялашув муаммолари мухокама килинди. Эстония хукумати матбуот хизматининг маълум килишича, швециялик олий мартабали мехмон ташриф давомида Эстония президенти Леннарт Мери ва Бош вазир Марта Лаара билан учрашади.

AHLN KOHAH KAALU KMPAM

Буюк Британия хукумати сўнгги кунларда Зимбабведа юз бераётган ўзгаришлардан жиддий ташвиш билдирди. Гап шундаки, ўтган куни бу мамлакатда оқ танли фермерларнинг хўжаликларини зудлик билан ва айни пайтда эвазига хеч нарса бермай эгаллаб олишга қаратилган қонун кучга кирди. Энди Зимбабве озодлиги учун курашган уруш фахрийлари оқ танлиларнинг ерларига бе-малол хўжайинлик қилиши мумкин. Бу эса мингга якин фермернинг хонавайрон бўлишига олиб келади.

БМТ Хавфсизлик кенгаши Эфиопия ва Эритреяни жанговар харакатларга дархол чек кўйиш ва ўт очишни тўхтатиш тўгрисида келишувга эришишга чакирди.

Исроил кушинларининг Ливан худудидан бутунлай чикиб кетиши масаласида Ливан маъмурияти БМТ билан кенг кўламда хамкорлик қилишини билдирди.

Германия мудофаа вазири Рудолф Шарпинг мамлакат армиясининг тахминан 100 минг кишига кискартирилишини маълум

КХДРнинг Кимчханни тогли туманида жойлашган ер ости иншоотини текшириш учун америкалик экспертларнинг иккинчи гурухи Пхенянга келди. Улар пайшанба

куни иш бошлайди. Нигерия шимолида икки кундан буён давом этаётган тўполонлар окибатида юз-

дан ортик киши халок бўлди. Кадун шах-

рида мусулмонлар билан насронийлар ўртасидаги тўкнашувларни тўхтатишниі иложи бўлмаяпти.

АКШ маъмурияти Ирок рахбари Саддам Хусайнни хокимиятдан четлатиш харакатларини давом эттиради. Боиси, Саддам Хусайн оммавий киргин куролларига эга бўлиш ниятидан қайтмаяпти.

Халқаро валюта жамғармасининг янги фармойиш берувчи директори Хорст Келер Осиё мамлакатларига сафар қилиш

Осиё тараккиёт банки (ОТБ) "Япониянинг кашшокликни бартараф этиш жам**ғармаси"ни ташкил этиш тўғрисида қарор** кабул килди.

Хитой Кизил хоч кумитаси Покистоннинг кургокчиликдан жабр кўраётган ахолисига ёрдам кўрсатиш учун 50 миллион АКШ доллари ажратишга карор килди.

УзА ва хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

MAPSO YAYFEEK HOMMAATN ЎSEEKNETOH MHAANN YHNBEPCHTET

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА 2000 ЙИЛ УЧУН АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА ҚАБУА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

АСПИРАНТУРА8

Ишлаб чиқаришдан ажралган холда ўкиш учун: математик анализ; дифференциал тенгламалар; эхтимоллар назарияси ва математик статистика; математик логика, алгебра ва сонлар назарияси; математик кибернетика; назарий механика; суюклик, газ ва плазма механикаси; назарий физика; радиофизика; физикавий электроника; оптика; қаттиқ жисм физикаси; ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси; полимерлар физикаси; аналитик кимё; органик кимё; юкори молекуляр бирикмалар кимёси; биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси; биофизика; ботаника; тупрокшунослик; гидрогеология; илмий тадкикотларда хисоблаш техникаси, математик моделлаштириш ва математик усулларни қўллаш; картография; ватан тарихи; умумий тарих; археология; этнология; диалектика ва билиш назарияси; эстетика; ижтимоий фалсафа; хозирги миллий адабиёт; назарилет, миллий адабиет тарихи; журналистика; миллий тиллар; киёсий-тарихий, миллии адасистирнослик, таржима назарияси; иктисодий ва ижтимоий география; маданият назарияси ва тарихи; педагогик ва ёш психологияси; социология назарияси, услубияти ва тарихи; сиёсий фан назарияси ва тарихи.

Ишлаб чикаришдан ажралмаган холда ўкиш учун: ватан тарихи; хозирги миллий адабиёт; миллий адабиёт тарихи; журналистика; дозирги миллар; қиёсий-тарихий, типологик ва қиёсий тилшунослик, таржима назарияси; маданият назарияси ва тарихи.

ДОКТОРАНТУРА8

Назарий физика; ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; аналитик кимё; юкори молекуляр бирикмалар кимёси; ватан тарихи; ижтимоий фалсафа; хозирги миллий адабиёт; миллий тиллар.

ХУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ — **ШУ ЙИЛ 25 АВГУСТГАЧА**

Маълумотларни олиш учун университетнинг аспирантура булимига: Маълумотларни Олиш у сулимита; Тошкент шахри, Олий укув юртлари шахарчаси, маъмурий бино, 11-кават, 113-хонага мурожаат килинг. Телефонлар; 46-74-35, 46-54-07

Навбахор туманидаги «Истиклол» ширкат хўжалигининг «Арабхона» қишлоғида янги шифохона иш бошлади. Ушбу қишлоқ врачлик пункти 3 мингдан ортиқ ахолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Қозир бу ерда 3 нафар малакали врач ва 6 нафар хамшира хизмат қилмоқда.

Янги шифо масканида физиотерапия, акушергинекология, стомотология, тахлил ва эмлаш хоналари мавжуд. Эндиликда қишлоқ ахолисининг саломатлигини сақлаш, оналик ва болаликни мухофаза қилишда янги шифо масканининг роли катта бўлмоқда.



СУРАТЛАРДА: янги шифо масканининг умумий кўриниши; малакали хамшира Мехринисо Каноатова. Собир ЗУФАРОВ

(ЎзА) олган суратлар.

Реклама Ва



ABN-AMRO Bank

Best Bank in Uzbekistan



Обрў-эътиборли "Euromoney" молия журналининг «Central European» нашри томонидан

АБН АМРО Банк МБ Узбекистон А.Ж.

2000 йилда

Узбекистоннинг энг яхши банки, деб номланли.

Қушма банкимизнинг асосий таъсисчиси — АБН АМРО Банкдир. Бу универсал тижорат инвестиция банкининг тарихи ўтган аср бошидаги Голландия тарихига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатида ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

Ўзбекистон молия бозорида энг яхши банк хизматларини;

Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитидан тортиб, конвертация жараёнлари ва мижозлар эхтиёжидан келиб чиққан холда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаштиришгача;

Электрон банк иши ("Банк-мижоз тизими") ва пластик-кредит карточкалари каби махаллий бозор учун мутлақо янги бўлган банк хизматларини такдим этамиз.

СИЗНИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН ХУРСАНДМИЗ.



Бизнинг манзил: Тошкент ш., Х.Олимжон майдони, Гарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-йўлак. Телефон: 120-61-41. Факс: 120-63-67.

ИФТИХОРУ КУВОНЧДАН ПОРЛАГАН КЎЗЛАР

Махсус мухбирларимиз О.Ражабов ва К.Нажмиддинов Намангандан хабар киладилар

Республикамизда илк бора ўтказилаётган универсиада мусобақалари талаба ёшлар ҳаётида ёрқин из қолдириши, табиий. Улар билан сухбатлашар экансиз, анжуманга қадар юзага келган таассурот ва ҳаяжонлар Наманганда яна хам ортиб, юракларга чукуррок илдиз отганини, спорт заллари ва стадионларда махорат ва жисмоний етуклик синовидан ўтаётган хар бир йигиткиз ўзини Ватаннинг муносиб фукароси, эртанги кунимизнинг чинакам вориси, дея хис этаётганини тушуниб етасан киши. Зеро, универсиаданинг очилиш тантаналаридаёк қалбларга мухрланган ажиб бир туйғу сўнмас машъалага айланиб қолгани бежиз эмас, маросим ўтаётган марказий «Навбахор» стадионидаги тўлкинланиш бу ерда бўлганлар кўз ўнгида такрор ва такрор гавдаланади. Биргина манзара. Стол тенниси бўйича жахон чемпиони Севара Кодирова универсиада машъаласига олов тутиш учун юкорига кўтарилар экан, стадионга тўпланганлар бир лахза сукутга чўмгандай бўлди. Барча томошабинлару тўрт тарафдан тасвирга тушираётган телекамераларнинг ўткир нигохи спортдаги махорати билан миллионлаб мухлислар қалбини забт этиб улгурган жиккаккина қизга қаратилган. Уша дамда мамлакат ёшлари хаётидаги бетакрор анжуманнинг энг масъулиятли вазифасини адо этаётган оддий қишлоқ қизининг хаёлидан нелар кечди экан? Умуман, Севара ва унинг универсиадада иштирок этаётган тенг-

Севара КОДИРОВА, (Наманган):

- Универсиада Наманганда ўтказилади, деган хабарни эшитганимдаёк вужудимни аллақандай ёкимли хис қамраб олди. Она шахримизга мухаббатим янада жушди. Чунки, анжуман ўтказилиши учун Наманганнинг танланганлиги ви-лоятимизга булган катта ишонч белгиси эди. Стадион узра Спорт устаси, стол тенниси буйича жахон чемпиони Севара Кодирова «Универсиада-2000» машъаласини ёкиш учун таклиф этилади» деган сузлар янграганда ифтихор ва гурурдан кўзларимдан тиркираб ёш чикди. Кўлимда машъала билан чопиб кетяпману хаёлимда югуриб эмас, куш мисол учиб бораётгандек эдим. Айникса, стадионни тулдириб утирган минг-минг лаб томошабинларни куриб, севинчим ичимга сигмай кетди. Машъала ёкиш супасига чиккач, атрофга бокаман. Осмон нихоятда бегубор ва гўзал эди. Шу дам гир-гир эсаётган шабада кўксимга урилди.

Бу тинчлик, хурлик, мустақиллик шабадаси эди. Уша куни юрак-юрагимдан отилиб чикқан сўзларимни бугун сизларга хам айтгим келди. «Ило-хим, бизга шундай бахтли хаётни яратиб берган Юртбо-шимиз хамиша омон бўлсин».

Мана, Наманган Ватанимиз ёшларининг биринчи универсиадаси ўтказилган жой сифатида тарихда қоладиган бўлди мусобақаларда эришиладиган юксак натижалар, кулга киритиладиган медаллар эса талаба-ёшлар спорти йилномаси-га зархал харфларда битилажак. Даврон САЛОХИДДИНОВ,

(Самарканд):
— Гўзал Ватанимиз ажойиб бог булса, Наманган унинг яшнаган чаманзорларидан бири эканлигига гуллар шахрини ўз кўзим билан кўриб ишон хосил қилдим. Лекин гап фақат бунда эмас. Наманганликлар ўз гўшаларини спорт шахрига хам айлантириб куйи Давлатободдаги «Дўстлик» теннис мажмуини кўриб, рости, хавасим ортди. инг нафакат махаллий

балки жахон микёсидаги мусобақаларни-да ўтказишга шай эканини универсиада кунлари яккол сездик. Теннисчи талабаларимиз шинам кортларда завқ-шафқ билан ўйнаб махоратларини сайқаллаштир-Мусобақалар дилар. ўтказилаётган бошқа иншоотлар ҳақида ҳам фақат илиқ фикрлар билдириш мумкин.

Вилоятимиз вакиллари спортнинг кўплаб турлари буйича голиб булиб улгуришди. Умуман олганда, жамоамизнинг хозиргача эришган натижалари ёмон эмас. Кураш, волейбол, шахмат бўйича медалларга даъвогармиз. Уйлаймизки, ютукларимиз

юкори бўлади. Хосият АШУРОВА,

Сурхондарё:
— Ушбу спорт анжуманининг нечогли мухим ахамиятга эга эканлигини хаммамиз хам хис килиб турибмиз. Ле-кин хозир бошка нарса хакида гапирмокчиман. Универсиадага келишдан олдинги тасаввурларим билан амалдагиси тубдан фарк килади. Қандай

кутиб олишаркин, шароит етарлимикин, деб ўйлардим. Чортокка — кичик олимпиада шахарчасига келганимизда умуман бошқа жойга тушиб колгандай бўлдик. Тўрт тараф байрамона безатилган, ўша телевизорда кўрганимиз халкаро олимпиада шахарчаларидан хеч бир жихатдан қолишмайди.

ичимликлар, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ширин су-хан муомаласи — бари-бариси юкори кайфият багишлайди кишига. Биз мусобақалардан кейинги маданий тадбирларда хам

Мазали таомлар, турли

яхши хордик чикараяпмиз. Самимий фикр алмашишлар эса хар томонлама фойдадан холи эмас. Фикримча, бундай тадбирларни мактаб, лицей ва коллежлар ўкувчилари ўртасида хам ўтказиш керак. Акром РАЖАБОВ, Кашкадарё:

иктисодиёт институтида ўкийман. Мутахассислигим инженер бўлишига қарамай спортга жуда қизиқаман. Шундай

булиши хам табиий ахир. Зеро, спортнинг фойдали томонларини санасангиз бармогингиз етмаслиги аник. Шоирона айтганда, у инсонни эзгуликка, яхшиликка етаклайди, мардлик, жасурлик туйгуларини шакллантиришда мухим омил хисобланади.

Яна бир томони спорт беллашувлари одамнинг гурури, шаъни билан бог-лик. Бугун мен ўз жамоам, вилоятим шаъни учун махоратимни намойиш этаётган булсам, эртага Ватан обрўсини, шухратини янада юксалтириш учун майдонга тушаман. Бундай килиш хар бир фарзанднинг бурчи. Демак, спорт эл-юрт олдидаги масъулиятини теран хис қилишга ҳам энг яқин хамрох экан. Гапираверсак, бу фазилатларини адогига етиш кийин. Энг асосийси, универсиада ёшларни бирдамлик, Ватан учун, унинг тараққиёти учун бир ёқадан бош чиқариб курашишга

«ХАЛК СЎЗИ» «HAPOTHOE CTOBO»

МУАССИСЛАР: Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

> Бош мухаррир: Аббосхон **УСМОНОВ**

Тахрир хайъати:

э. болиев

(масъул котиб «Халқ сўзи»),

м. ЕГОРОВ (масъул котиб —

«Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбо-

сари — «Халқ сўзи»), с. зинин, м. миралимов,

с. мухиддинов,

Ш. РИЗАЕВ, м. сафаров,

Р. ФАРХОДИЙ,

и. худоёров,

и. ШОГУЛОМОВ,

О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош мухаррир ўринбосари

БЎЛИМЛАР:

Фан, соғликни саклаш ва

ижтимоий масалалар —

Ахборот, спорт ва харбий-

ватанпарварлик

Эълонлар

Рўйхатдан

Буюртма $\Gamma - 376$,

хажми — 2 табок.

Қоғоз бичими А-2

Газета PENTIUM-II mmx

компьютерида терилди

хамда операторлар

С. ЛУКИН

ва Ж. ТОГАЕВ

томонидан сахифаланди.

Навбатчи котиб -

А. ОРИПОВ.

М. САФАРОВ.

А. ШОКИРОВ.

Мусаххих -

A. CATTOPOB.

манзилимиз:

700000, ГСП. Тошкент шахри,

Матбуотчилар

кўчаси, 32-уй.

Тахририятда хажми

5 қоғоздан зиёд

материаллар қабул

килинмайди.

Навбатчи мухаррир

Навбатчи

Офсет усулида

босилган.

тартиби

Nº 00001

22228 нусхада босилди,

133-57-34;

136-07-94;

136-36-65;

132-10-65

136-35-60;

136-29-89,

133-07-48;

132-12-08;

132-11-15;

132-11-15;

133-10-28;

136-09-25.

наърифат -

- «Народное слово»),

ў. хошимов.

Xy K y K -

Хатлар

2000 иил - Соглом авлод иили

АЪПОЧИПАРГА

хокимлик мукофоти

Бу тадбирнинг мохиятини лўнда килиб айтадиган бўлсак, ёшлар мехнатини кадрлаш, демакдир. Мана уч йилдирки, Ховос тумани хокимлиги бир гурух ўкувчиларга ўрта мактабни аъло хулк ва аъло бахолар билан тугаллаганлиги учун махсус соврин ташкил этган. Ана шу соврин хар йили сўнгги кўнгирок арафасида ўз эгаларига топширилади.

САНЪАТКОРЛАР

ОИЛАСИ

Аспирантурага:

Докторантурага:

- менежмент

Якинда туман марказидаги қайтадан барпо этилган богда 13 нафар ўкувчи ва 6 нафар Гулистон Давлат дорилфунунининг талабаси хар бири 10.000 сўмлик махсус совгани қабул қилиб олиди. Ана шу тантанаг Тошкентдан бир гурух санъаткорлар, аълочи ўкувчиларнинг устозлари, ота-оналари, жамоатчили вакиллари таклиф этилди-

- Мен келгусида ўкитувчи бўлмоқчиман, – дейди тумандаги 6-мактабнинг битирувчи синф ўкувчиси Земфира Мийтанова чилар кўп. Мана шу касбга болалигимдан хавас киламан. Опам Раъно хозирги пайтда дорилфунунда ўкийди. Мен ўкитувчиликни дунёдаги энг улуг касб деб биламан. Кўп ўтмай қўлимизга

етуклик гувохномаси тегади. Агар омадим чопса, пойтахтдаги ёнгинга қарши олий билим юртига ўкишга кираман, - дейди «Навбахор» ширкат хужалигидаги 10-урта мактаб битирувчиси Хамдам Салохиддинов. - Хокимликнинг бу совгаси уйимизнинг тўрида туради. Гап совгада эмас, гап эътиборда. Сенинг интилишинг, мехнатинг кадрланса, кўнглинг тогдай юксалар экан. Хозир мен ана шундай туйгуни ўз бошимдан

кечираяпман. - Туман хокимлигининг махсус совгасини олиш учун юзлаб болалар астойдил Абдулла Авлоний номли туман иқтидорли ўқувчилар мактабининг тил ва адабиёт ўкитувчиси Мухаммад Меликўзиев. – Хар бир мактабдан факат битта битирувчи синф ўқувчиси мукофотга тавсия этилиши

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ИУЛДОЩ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ

ТОШКЕНТ ТУКИМАНИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

2000 йилга ишлаб чиқаришдан ажралган

ва ажралмаган холда ўкиш учун куйидаги

мутахассисликлар бўйича

кабул эвлон килади.

- пойабфзал ва тери-атторлик махсулотлари технологияси

Хужжатлар 2000 йил 1 октябргача қабул қилипади.

Мурожаат учун манзил:

700100, Тошкент ш., Шохжахон кўчаси, 5-уй, ТТЕСИ, аспирантура бўлими.

Тел.: 53-66-34.

- тўкимачилик хомашёсини дастлабки ишлаш

- тўқимачилик материаллари технологияси

- енгил саноат машиналари ва агрегатлари

тўкимачилик хомашёсини дастлабки ишлаш.

- машинашунослик ва машина кисмлари

- тикувчилик махсулотлари технологияси

- кимёвий толалар технологияси

рақобатни туғдирди. Ахир, ким хам бундай мукофотни олишни истамайди, дейсиз? Энг мухими, туман хокимияти томонидан ёшларга, уларнинг билим олишига келажакда комил инсонлар бўлиб етишишига берилаётган эътибор биз мураббийларни нихоятда кувонтиради.

Тантанали кечада «Соглом авлод» хукуматга карашли булмаган вилоят жамгармаси ижрочи директори Солия Давлатова аълочи ўкувчиларни табриклаб, уларнинг келгуси ўкиш ва ишларида муваффакиятлар тилади. Жамғарма томонидан аълочи ўкувчи ларга махсус совгалар такдим этилди.

Уйлайманки, бизнинг ташаббус вилоятимиздабарча туманларга хам албатта ёйилади, – дейди Ховос тумани хокими Рустам Турдиев. - Хар йили факат энг иктидорли ўкувчиларни мукофотлар эдик. Бу йил эса турли олийгохларда тахсил олаётган 6 нафар талабага ҳам махсус соврин ташкил этдик

> А. ХОНИМКУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

> Балиқчи туманидаги «Та-

рона» ашула ва рақс халқ ан-

самблини Андижон вилояти-

дагина эмас, республикамизда

хам яхши билишади. Ана шу

ансамбль иштирокчилари Му-

наввархон Чаварова ва Мухам-

маджон Чаваров якинда

Маргилон шахрида таникли

санъаткор Маъмуржон Узоков

хотирасига бағишлаб ўтказилган танловда қатнашиб,

ғолибликни қўлга киритдилар.

Улар ижросидаги ёкимли куй-

қушиқлар купчиликка манзур

бўлди. Айни кунларда Чаваров-

лар оиласи Мустақиллик бай-

рамига бағишланған янги дас-

Мухаммаджон ва Мунаввар-

СУРАТДА: санъаткорлар

т. ХАМРОКУЛОВ

олган сурат.

тур устида ишлашмокда.

хон Чаваровлар.



Саволлар буйича: СП «Сурхан Аджанта ЛТД», Т.Шевченко к., 54. 56-75-89, 56-75-84 телефонлари оркали мурожаат килинг.

TOMORIQUOM СЕЗАЯПСИЗМИ?



ХАЙР ТОЛИКИШ, ЯШАСИН БАХОР!



23 ёшли швед Свен Ларсен эрта тонгданок Стокгольм вокзалида поездга чикаётган ва тушаётган йўловчилар билан қўл олиб сўрашишни бошлади ва бу кул кисишлар кундуз соат 16 га қадар давом этди.

Шу вакт мобайнида Ларсен 11220 нафар одам билан қўл бериб сўрашди. Аммо 11221-сига келганда... «чемпион»нинг силласи қуриб, хушидан кетди.



ABBAA

Сайёрамиздаги кадимий хайвонот боги эрамиздан аввалги І асрда Рим императори Август буйруги билан ташкил этилган. Унда жахоннинг турли мамлакатларидан келтирилган 3500 жонивор



ворларида, Ява ва Суматра оролларида гаройиб гул ўсади. У жуда чиройли булмаса-да, лекин хаддан ташқари улкан. Гул очилган пайтда унинг айлана си 1 метрни ташкил этади, оғирлиги эса 7 килограммга етади. 7-10 кунгача очилиб туради. Бу гул Раффлезия падра деб аталади. Нозима АЛИМОВА

тайёрлади.

ВЕНТИЛЯЦИЯ ЖИХОЗЛАРИ СОТУВИ

СИЗГА ФАКАТ ХАДЯ КИЛАР СОФ ТАБИАТ. СИЗЛАР УЧУН БИЗНИНГ ЭШИК

БУ САЛТАНАТ

ОЧИК ДОИМ -

ТЕЛЕФОНЛАР:

191-64-64, 199-84-48.

E-mail: condit@online.ru

MAPXAMAT!

«KOHIJINUINOHEP» KK

МУСАФФОЛИК САЛТАНАТИ

ДЕРАЗАГА ЎРНАТИЛАДИГАН, МОНО, «ELECTRA» (ИСРОИЛ) (RNHOUR) (BUNDAN) КАССЕТАЛИ, МУЛЬТИ-СПЛИТ, УСТУНЛИ,

«CLIVET» (ИТАЛИЯ КАНАЛЛИ (МАРКАЗЛИ) ФАНКОЙЛЛАР ПАСТ ХАРОРАТДА ИССИК/СОВУК ТАРТИБДА МУНТАЗАМ ИШЛАЙДИ замонавий дизайн ҚУЛАЙ НАРХ ВА ЧЕГИРМАЛАР КАФОЛАТЛИ, КАФОЛАТДАН СЎНГГИ ВА СЕРВИС ХИЗМАТИ

МАНЗИЛ: 700171, ТОШКЕНТ, ЛИСУНОВ кўч,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСААРИ ДАВЛАТ КЎМИТАСИ ТУПРОКШУНОСАНК ВА АГРОКИМЕ ДАВЛАТ НАМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ БУЛИМЛАР БЎЙИЧА КУЙНДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЗЪЛОН КИЛАДИ:

1. ТУПРОК УНУМДОРЛИГИНИ БОШКАРИШВА БАХОЛАШ БУЛИМИВ

Бўлим мудири-1 Катта илмий ходим-1

2. ШЎР ТУПРОКЛАР ГЕНЕЗИСИ ВА МЕЛИОРАЦИЯСИ БЎЛИМИ:

Бўлим мудири-1 Катта илмий ходим-1

3. ТУПРОК ФИЗИКАСИ ва технологияси БУЛИМИВ

Бўлим мудири-1 Катта илмий ходим-1 4. ТУПРОК КИМЁСИ, ФИЗИК

маъданшунослик БУЛИМИ Катта илмий ходим-1

5. ТУПРОК ИНФОРМАТИКАСИ БЎЛИМИВ

Бўлим мудири-1 Катта илмий ходим-1

6. АГРОКИМЕ БУЛИМИ:

Бўлим мудири-1

7. ТУПРОК БИОЛОПИЯСИ БУЛИМИ: Бўлим мудири-1

8. ТУПРОК ЭРОЗИЯСИ,

ЭКОЛОГИЯСИ ВА МУХОФАЗАСИ БУЛИМИ: Бўлим мудири-1

Катта илмий ходим-2

9. ТАХЛИЛ МАРКАЗИ: Бўлим мудири-1

ТАНЛОВ МУДДАТИ ЭЪЛОН ЧИККАН КУНДАН БОШЛАБ -20 КУН.

Бўлим ва лаборатория мудири, катта илмий ходим лавозимларига фан доктори ёки номзоди даражасига эга булган шахслар танловда иштирок этишлари мумкин.

Манзил: Тошкент ш., Собир Рахимов тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 46-07-23, 46-09-50.

Узбекистон Телерадиокомпаниясининг хорижий мамлакатларга эшиттириш пар бошкармаси «Ахборот» бош мухарририяти махсус мухбири Бахтигул Бекбо-

Турсунбой УСМОНОВнинг вафот этганлиги муноабати билан чуқур таъ ия изхор этади

Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Нуроний» жамғармаси раисининг собик биринчи ўринбосари Эркин Хайитбоевга турмуш ўртоги

Дилбархон АБДУЛЛАЕВАнинг вафоти муносабати билан чукур таъзия изхор этади.

2917

«Узулгуржибиржасавцо» уюшмаси ва «Ўзэлектрасбобсавдо» хиссадорлик жамияти Абдужаббор Рахимовга

Сайфура ая РАХИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«Узкимёсаноат» уюшмаси жамоаси уюшма раисининг собиқ ўринбосари Абдужаббор Рахимовга волидаи мухта-

САЙФУРАХОН

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади

юшмаси бошкаруви рахбарияти ва жамоаст мутахассис М. Г. Шодмоновага

«Ёгмойтамакисаноат»

ГУЛОМЖОН отанин

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этали.

«Шарк» нашриётматбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00

топширилди — 22.50

2 3 4

дошларининг таассуротлари қандай?